СССРнинг 50 йиллигини муносиб кутиб оламиз

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

19-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 164 (4623).

19 АВГУСТ ШАНБА 1972 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ МАЖБУРИЯТЛАРИНИ ШАРАФ БИЛАН БАЖАРАМИЗ

РОМИТАН, 17 август. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда Бухоро области қишлоқ хўжалиги ходимларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги шарафига олинган социалистик мажбуриятлар қандай бажарилаётганлиги муҳокама қилинди. Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Муртазоев доклад қилди.

Кенгашда ғўза парваришини кучайтириш, пахта теримига пухта тайёргарлик кўриш тўғрисида, чорвачиликни янада ривожлантириш ҳақида батафсил гаплашиб олинди.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Кенгаш қатнашчилари область қишлоқ хўжалигининг барча меҳнатчиларига қарата мурожаат қабул қилдилар. Улар бу мурожаатда меҳнатчиларни юбилей йили мажбуриятларини шараф билан бажариш учун бутун куч-ғайратларини сарфлашга даъват этдилар.

ФИНЛЯНДИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ВИЗИТИ

СУХУМИ, 17 август. (ТАСС). Ғайри расмий визит билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Финляндия Республикасининг президенти Урхо Калева Кекконен бугун Сухуми районидан жўнаб кетди. У бу ерда дам олган эди. СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин у билан бирга жўнаб кетди.

Аэродромда У. К. Кекконен билан А. Н. Косигинни В. П. Мжаванадзе ва Абхазия АССРнинг раҳбарлари узатиб қолдилар.

* * *

Шу кунлар У. К. Кекконен билан А. Н. Косигин Москвага етиб келишди. (ТАСС).

ТЕРИМГА ПУХТА ТАЙЁРЛАНАЙЛИК

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Тошкент область партия комитети бюроси Ўрта Чирчиқ район халқ контроли комитетининг 1972 йил пахта ҳосилини йиғиб-териб олишга тайёрланиш ва бу кампанияни намунали ўтказиш юзасидан белгилаган тадбирларини маъқуллади.

Область халқ контроли комитетига ва район партия комитетларига Ўрта Чирчиқ район халқ контроли комитетининг қимматли ташаббусини кенг қўллаб-қувватлаш ва янги йил ҳосилини йиғиб-териб олишга тайёрланиш ва бу кампанияни намунали ўтказишга барча назоратчиларни актив жалб этиш юзасидан амалий тадбирлар кўриш вазифаси топширилди.

ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОН ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИНИНГ 1972 ЙИЛ ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИ КАМПАНИЯСИГА ТАЙЁРГАРЛИК ВА УНИ ЎТКАЗИШ ДАВРИ УЧУН БЕЛГИЛАГАН

ТАДБИРЛАРИ

Ўрта Чирчиқ район қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб ва СССР ташкил топган кунининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун курашиб, далаларда мўл ҳосил етиштирмоқдалар. Улар бу йил давлатга 65 минг 500 тонна «оқ олтин» сотиш ва етиштирилган ҳосилнинг 70 процентини машиналар билан териб олиш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Район халқ контроли комитети етиштирилган ҳосилни йиғиб олишга намунали ҳозирлик кўриш ва уни қисқа муддатларда ўтказиш, етиштирилган «оқ олтин»ни нес-нобуд қилмай тўла йиғиб-териб олишда партия ва совет ташкилотларига яқиндан ёрдам бериш мақсадида қуйидаги тадбирларни ишлаб чиқди:

Пахта йиғим-терими кампаниясига тайёрланиш ва уни ўтказиш даврида бажарилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб олиш мақсадида колхоз, ўқув хўжалиги, қишлоқ Советлари, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмаси, пахта заводлари ва пахта пунктлари халқ контроли группаларининг расларининг инструктив йиғилишлари ўтказилади. Сўнгра группаларда ҳам шу масала юзасидан назоратчилар йиғилиши ўтказилиб, изчил назорат ўрнатиш мақсадида кучлар жойларга тақсимланади.

Еввойи ўтларни қуритиш мақсадида далалар текширувдан ўтказилади. Тракторлар культивация қилаётган майдонлар кўздан кечириб борилади. Кўз илғаган камчиликлар зудлик билан бартараф этилади. Зарур бўлса текширув якунлари газета, радио орқали эълон қилинади.

Ўсимликларни кимёвий усулда ҳимоя қилиш ишларини ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан тегишли тадбирлар кўрилади.

Ўғитлаш ва ўсимликларни кимёвий усулда ҳимоя қилиш ишларини ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан тегишли тадбирлар кўрилади.

Ремонт устахоналари, кўчма устахоналарнинг донмий ишлаши учун зарур чоралар кўрилади. Бунинг учун «Ўзсельхозтехника» район бирлашмаси устахоналар ремонтини ўз вақтида тугаллаб, уларни зарур бўлган эҳтиёт қисмлари ва ёқилғи билан таъминлайди.

Пахта нобудгарчилигига қарши кураш мақсадида 218 та бригаданинг ҳаммасида йиғим-терим кампанияси даврида мавсумий контроль постлари тузилади. Пост аъзолари пахтани сифатли териш, қуритиш ва жўнатиш ишларини талаблар даражасида ташкил этадилар.

Халқ контроли группалари меҳнаткашлар депутатлари Советларининг донмий комиссиялари ҳамда касаба союз комиссияларини билан ҳамкорликда пахта йиғим-теримида қатнашаётган механик-ҳайдовчилар ва теримчиларга маданий-маиший шароитларни тўла яратиб беради ва маиший хизматнинг сифатини бўлиши устида қайғурадилар.

Пахта заводлари ва тайёрлов пунктларида олиб борилаётган ишлар муттасам равишда кузатиб борилади, ҳосилни тўғри қабул қилиб олиш, сақлаш ва бунлашнинг сифатли бажарилиши таъминланади. Колхозлар, ўқув хўжаликлари ва пахта пунктларидаги ўлчов приборлари текширувдан ўтказилади.

Тайёргарликнинг қандай бораётганлиги юзасидан ўтказилган текширувлар район халқ контроли комитети ва халқ контроли группалари йиғилишларида муҳокама қилиб турилади.

Ушбу тадбирлар район халқ контроли активи йиғилишида муҳокама этилиб, қабул қилинган.


ҒОЛИБЛАРГА БУТУНИТТИФОҚ БАЙРОҚЛАРИ

«Союзсельхозтехника» системасидаги корхоналар ва ташкилотларнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида «Ўзсельхозтехника» бирлашмасига қарашли Тошкентдаги тажриба ремонт-экскаватор заводининг коллективи 1972 йил иккинчи кварталида юксак натижаларга эришди. Бу коллективга СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг кўчма Қизил байроғи берилди.

(ЎзТАГ).

ОҚСОҚОЛЛАР МОСКВАГА ЖЎНАБ КЕТИШДИ

СССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг тадбирларида қатнашиш учун республика қишлоқ хўжалик ветеранларининг катта бир группаси бугун «Ўзбекистон» поездида Тошкентдан Москвага жўнаб кетди. Булар орасида Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, колхоз-совхоз ишлаб чиқариши илғорлари, олимлар ва мутахассислар бор. Улар Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини социалистик негизда қайта қуриш тарихи билан виставка томошабинларини таништирадилар, пахтакорлар ва чорвадорлар СССР ташкил топган кунининг 50 йиллигини кутиб олиш учун қандай ҳозирлик кўраётганликлари тўғрисида гапирадилар. Оқсақоллар Москвада ўтказиладиган ҳовуз сайлида ҳам қатнашадилар. (ЎзТАГ).



БЕКОБОД районидаги 4-«Дўлварзин» совхози пахтакорлари бу йил ҳосилнинг асосий қисмини машиналар ёрдамида териб олишга аҳд қилганлар. Ҳозирги пайтда совхоз устахонасида 50 та «зангори кема» ремонтдан чиқарилиб, теримга шай қилиб қўйилди. Совхоз пахта далаларида ҳамғўзаларни машинабоп қилиб ўстиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Суратларда: (чапдан) звено бошлиғи В. Қуртиязпров ва совхоз директори Б. Мирзакаримовлар ғўза ҳолатини кўздан кечирмоқда. (Ўнгда) теримга шай лаб қўйилган «зангори кема»лар.

А. АБАЛЯН фотолари.

КАТТА ХИРМОН ҲАРАКАТИДАМИЗ

Совет Социалистик Республикалар Иттифоқининг барпо топганига 50 йил тўлиши шарафига бошланиб кетган умумхалқ мусобақасига қўшилган колхозимиз меҳнаткашлари хўжаликнинг барча соҳаларида янги марраларни эгаллаш учун тинмай ижодий меҳнат қилмоқдалар. Шу туфайли хўжаликнинг асосий соҳаларида яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар.

Колхозимиз пиллакорлари бу йил 10350 ўрнига 13400 килограмм пилла етиштириб катта ғалабага эришдилар. Пиллакорларимизнинг кейинги тўрт йил давомида қилган ишлари диққатга сазовор. 1968 йилда колхозимизда 5800 килограмм пилла етиштирилган бўлса, бу йил 1968 йилдаги даражадан 7600 килограмм кўп пилла етиштирдилар. Сўнгра ғаллакорларимиз майдонга чиқдилар. Биз план бўйича 115 тонна ғалла сотишимиз керак эди. Лекин аъзамат ғаллакорларимизнинг меҳнатда кўрсатган юксак ғайратлари туфайли давлатга 330 тонна ғалла сотилиб, план 228 процент адо этилди.

Чорвадорларимиз ҳам юбилей йилида зўр ғайрат билан ишлаб, чорва қишлови учун мўл-кўл ем-хашак етиштирдилар. Улар 1020 тонна ўрнига ҳозиргача 1120 тонна дағал хашак жамғариб, планни 117,7 процент адо этдилар.

Силос тайёрлаш ишлари ҳам чакки эмас. Аъзамат чорвадорларимиз ҳозиргача 1156 ўрнига 1350 тонна силос бостириб қўйдилар. Бу иш давом этмоқда.

Хўжалигимизда асосий ва етакчи тармоқ пахтачиликдир. Пахтачиликда асосий масала ҳозир ҳосилдорликни оширишдан иборат. Бултур пахтакорлар ҳар гектар майдондан ўрта ҳисобда 32 центнердан ҳосил етиштирган эдилар. Планга нисбатан ҳосилдорлик колхоз бўйича 4,5 центнерданга оширилган эди.

Колхозимизда кейинги йилларда пахта ҳосилдорлиги кўтарилиб борган, барча планлар бажарилаётгани туфайли колхозчиларнинг иш ҳақлари ҳам яхши бўлмоқда. Турмуш даражалари кўпайтириляпти. Бир иш кунига колхозчиларга ўрта ҳисобда 1968 йилда 4 сўм 9 тийин тўланган бўлса, 1971 йилда 6 сўм 19 тийинга кўтарилди. Механизаторларнинг ойлик маоши 1970 йилда 175 сўм, 1971 йилда 200 сўмга тўғри келди. Колхозчиларнинг ўртача иш ҳақлари 1970 йилда 1420, 1971 йилда 1689 сўмга етди. Шунинг учун ҳам колхозчиларимиз, механизаторларимиз мамнун бўлган ҳолда астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Айни кунларда колхозчиларимизнинг диққат-эътибори, бошқа соҳалар билан бир қаторда, етакчи тармоқ пахтачиликка, пахтадан юқори ҳосил етиштиришга қаратилган. Бу йил биз ҳосилдорликни 35 центнерга етказишимиз, 4200 тонналик хирмон кўтаришимиз, 3150 тонна пахтани машина билан териб олишимиз зарур. Биз ҳосилдорликни планга нисбатан 7,5 центнердан оширмоқчимиз.

Шу кунларда колхозчиларимиз ғўза қатор ораларини мақсадга мувофиқ ишлов беришни, машина теримига тайёрлик кўриш ниятида карта четларидаги, қатор ораларидаги ўтларни йўқотмоқдалар. Ғўзани культивация қилиш, суғориш ишлари давом эттирилмоқда.

Аъзамат механизаторларимиз пахта териш мавсумига пухта тайёрлик кўрмоқдалар. Колхозимизда 25 та пахта териш машинаси бор. Шундан 12 таси «Ўзбекистон» маркали тўрт қаторли машина, 25 та пахта териш машинаси, 13 та кўраи чувиндиган, 6 та ерга тўкилган пахтани терадиган машина тўла ремонтдан чиқариб қўйилди. 45 та прицепдан 35 таси тайёр.

Бизда Сулаймон Шайхов, Бегали Отақулов, Сарсанбой Боратов, Ҳаким Усмонов сингари юздан ошиқ механик ҳайдовчи бор. Терим даврида юкимизни енгил, узоғимизни яқин қиладиган аъзаматлар шулар. Ана шу дала гвардиячилари бизнинг суянган тоғимиз—мададкорларимиз.

Бу йил пахтани машина билан териб олиш учун ғўза самолётлар билан дефолиация қилинмайди. Биз ғўзани ердан туриб ОВХ—14 машинаси ва ОТН—688 билан дефолиация қилиш ҳар жиҳатдан фойдали, деб биламиз. ОВХ—14 машинаси бир юрганда 14 метр кенгликдаги ғўзага дори сепиб кета олади. Бир кунда 40 гектар ердаги ғўзани дефолиация қилади. ОВХ—14 билан сепилган дори одамларга, молларга, атроф қишлоқ аҳолига зарар қилмади. Яна бир муҳим томони ОВХ билан қилинган дефолиациянинг сифати жуда яхши бўлади. Чунки, дори бевосита ғўза баргининг ўзига сепилади. Шунинг учун биз 5 та ОВХ—14 ва битта ОТН—6—8 аппаратини тайёрлаб қўйдик.

Колхозчиларимизнинг ниятлари пахтачилик соҳасида бултур эришилган даражани мустаҳкамлаб қолиш ва янги марраии эгаллашдан иборат. Колхозчиларимиз ана шу ниятни дилга жо қилиб, фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

М. ДЎСАНБОЕВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз раиси,

Ш. ЖАМИРОВ,
колхоз партия ташкилотининг секретари.

ОҚ ЙЎЛ, КОМСОМОЛЛАР

Тошкент вокзалининг бугунги жамоли ўзгача. Кенг майдонларга осилган транспарантлар ва шиорлар комсомолларнинг зафардор меҳнатларидан ҳикоя қилаяпти. Бугун қалби олов йигитларимиз яна бир хайрли ишга отланишди. Улар қардош Қозоғистоннинг бепоён қир ва адрларида етиштирилган мўл ғалла ҳосилини йиғиб-териб олишда иштирок этиш истагини билдириб, қўшни ўлкага жўнаб кетмоқдалар.

Янги ташаббусни биринчи бўлиб областимиз комсомоллари бошлаб беришди. Улар ўз ўлкамизда етиштирилган олтин бошоқларни қисқа кунларда йиғиб олишда алоҳида ғайрат кўрсатган эдилар. Илғорларнинг номини бугун биз фахр билан тилга олсак арзийди. Тошкент от заводи комбайнчиси Виктор Головков 281 гектар майдондаги ғаллани нес-нобуд қилмай тўла йиғиб берди. 1-«Оҳангарон» совхози комбайнчиси Мўмин Умаров эса 2750 центнерлик ғалла хирмони уйди. Абдусаид Тошқулов, Тоштемир Қулбоев, Қаршибой Ҳасанов каби моҳир комбайнчилар меҳнатига ҳам тасаннолар ўқисак арзийди.

..Вокзал майдонида ёш комбайнчиларни қўшни Қозоғистон республикасига ёрдамга кузатиш маросимига бағишланган митингда нутқ сўзлаган область комсомол комитетининг биринчи секретари О. Исҳоқов ёшларимизнинг зафардор меҳнати ҳақида тўхталди. Шундан сўнг Қозоғистон вакили агроном С. Амирбеков сўзга чиқади.

— КПСС XXIV съезди Директивасида Қозоғистон ғаллакорлари олдида улкан вазифалар қўйилган,— дейди у.— Биз йил сайин 24 миллион тонна ғалла йиғиб-териб олишимиз лозим. Шу йилнинг ўзида 10,6 миллион тонна ғалла давлатга сотишимиз керак. Меҳнатимиз мажбуриятга яраша бўлди. Далаларда мўл ҳосил етиштирилди. Энди ҳамма гап уларни нес-нобуд қилмай қисқа муддатларда йиғиб-териб олишда қолган. Бу вазифани биз дўстлар ёрдами билан муваффақиятли бажарамиз.

— Мен ўз комбайним билан 20 кун ичида 250 гектар ердаги ғалланн йиғиб-териб бердим,— дейди Бўка районидаги «Ленинобод» колхози комбайнчиси Қаршибой Ҳасанов.— Мана энди ёрдам берган қўшни республикага отланмоқдаман. У ерда ҳам меҳнат намуналарини кўрсатиб, қувончли кўрсаткичлар билан қайтишга сўз бераман.

Митингда сўзга чиққан бошқа комбайнчилар ҳам комсомолга хос ғайрат ва шижоат кўрсатиб меҳнат қилишга аҳд қилганликларини билдирдилар.

Митинг қатнашчилари вокзал секин перрон томон юриб боради лар. Ёри биродарлар ҳашарга отланган дўстларини қизғин кузатиб қоладилар.

— Оқ йўл, ҳашарчи комсомоллар!





Областимизнинг бир группа ёш комбайнчиларн қардош Қозоғистон республикаси далаларида етиштирилган ғалла ҳосилини йиғиб-териб олишга кўмаклашгани жўнаб кетдилар. Суратларда: ташаббускор комбайнчилар ва уларни қизғин кузатиш пайти.

В. КОСОВСКИЙ фотолари.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Иқтисодий Билимлар Университети

10-МАШҒУЛОТ

ИНДУСТРИАЛ МЕТОДЛАРГА КЕНГ ЙЎЛ

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда қудратли қурилиш индустрияси вужудга келтирилди. Унинг асосини турли хил замонавий юксак унумли машина ва механизмлар билан қуролланган, малакали қурувчи ва монтажчи кадрларга эга бўлган йирик қурилиш-монтаж ташкилотлари ташкил этади. 1970 йилнинг охирида Ўзбекистонда 900 га яқин бошланғич қурилиш-монтаж ташкилоти иш олиб борди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда қурилиш халқ хўжалигининг етакчи соҳаларидан бири ҳисобланади ҳамда саноат ва қишлоқ хўжалигидан кейин учинчи ўринда туради. Ўзбекистон ССР миллий даромадининг 12,5 процентга яқини, ишчи ва хизматчилар сонининг 10 проценти, халқ хўжалиги асосий ишлаб чиқариш фондларининг 5,2 процента қурилиш ҳиссасига тўғри келади.

1924—1970 йилларда республика халқ хўжалигини ривожлантиришга 27 миллиард сўмдан ортиқроқ маблағ сарфланди. Бу асосий ва оборот фондларини тўхтовсиз ўстириб бориш, уй-жой ва маданий қурилиш ҳажмини кўпайтириш, республика экономикасини юксак суръатларда ривожлантириш имконини берди. Шу ўтган давр мобайнида республикада 1150 га яқин йирик саноат корхонаси ва 900 миллион квадрат метр ҳажмида уй-жой майдони қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Тўққизинчи беш йилликда Ўзбекистон халқ хўжалигига капитал маблағ сарфлашнинг умумий ҳажми 20 миллиард сўмга етади. Бу 1966—1970 йилларда сарфланганидан 68 процент кўпдир.

Ана шу катта ва шарафли вазифани бажариш учун халқ хўжалигининг барча тармоқларида меҳнат унумдорлигини анча ўстириш талаб этилади. КПСС XXIV съездининг СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан Директиваларида меҳнат унумдорлигини жадал суръатлар билан ўстириш йўл-йўриқлари кўрсатиб берилган. **Янги беш йилликда меҳнат унумдорлигини саноатда 36—40 процент, қишлоқ хўжалигида 37—40 процент, транспортда 23—25 процент, қурилишда эса 36—40 процент ошириш мўлжалланмоқда.**

КПСС XXIV съездида таъкидланганидек, «Қурилиш ходимлари олдида беш йиллик топшириқларини аслида ходимлар сонини кўпайтирмай туриб, яъни меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига бажаришдан иборат масъулиятли вазифа турибди».

Шундай экан, қурилишда меҳнат унумдорлигини ошириш энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Биз ушбу мақолада меҳнат унумдорлигини оширишнинг энг асосий омилларига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Қурилиш моддий ишлаб чиқаришнинг энг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, кўп жиҳатдан халқ хўжалигининг тараққиётини, совет халқи турмуш ва маданий даражасининг ўсишини белгилаб беради. Капитал қурилиш ишлаб чиқариш қувватларининг ишга туширилишини таъминлаб, фақат ишлаб чиқаришнинг ўсиши, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга қолмасдан, балки жуда кўп социал-иқтисодий проблемаларнинг ҳал этилишига ҳам ёрдам беради.

Совет бинокорлари йилдан-йилга тобора катта ҳажмида қурилиш-монтаж ишларини бажармоқдалар. Бинобарин, бу ишларни ходимлар сонини унчалик кўпайтирмаган ҳолда бажариш вазифаси қўйилган. Бошқача қилиб айтганда, қурилишда индустриал методларни жорий этиш ҳамда самарадор қурилиш материалларга ва буюмларини кўплаб қўлланиш ҳисобига меҳнат унумдорлигини ошириб бориш зарур.

Қурилишни индустрлаштириш турли объектларни тиклаш пайтида заводда тайёрланган йиғма конструкциялардан кенг кўламда фойдаланиш демакдир. Йиғма қурилиш конструкцияларидан деган тушунча мамлакатимизда 30-йилларнинг охириларида—қурилишни индустрлаштириш кенг авж олган йилларда пайдо бўлди. Уй қуришда ишлатиладиган тайёр ёғоч конструкциялар дастлабки йиғма қурилиш конструкцияларидан эди.

Кейинчалик мамлакатимизнинг ўз металлургия базаси вужудга келганлиги ва мустаҳкамланганлиги натижасида ҳамма хил қурилишларда пўлат конструкциялар кенг қўллана бошлади. Улар яқин-яқинларгача энг асосий йиғма қурилиш конструкциялари ҳисобланарди.

Техника тараққиёти янада авж олиши билан қимматга тушадиган ва кўп металл сарфланадиган пўлат конструкциялар ўз ўрнини йиғма темир-бетон конструкцияларга бўшатиб берди. Йиғма темир-бетонни қўлланиш натижасида кўп миқдорда металл тежаб қолиш, қурилиш муддатларини қисқартириш, меҳнат унумдорлигини кескин ошириш ва қурилиш-монтаж ишлари нархини арзонлаштириш мумкин бўлади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1954 йил 19 августдаги «Қурилиш учун йиғма темир-бетон конструкциялар ва деталлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш тўғрисида» қарорида қурилишга йиғма темир-бетонни кенг кўламда жорий қилиш ҳамда бунинг учун қисқа вақт ичида ишлаб чиқариш базасини вужудга келтириш режалари белгиланди. 50-йилларнинг охирида Ўзбекистонда ташкил этилган йиғма темир-бетон ишлаб чиқариш ҳозирги вақтда бинокорлик материаллари саноатининг етакчи тармоқларидан бирига айланган. **1958 йилда республика бўйича 222 минг кубометр темир-бетон ишлаб чиқарилган эди. 1970 йилда бу кўрсаткич 2703 минг кубометрни ташкил этди, яъни қарийб 12 баравар ўсди. Саккизинчи беш йиллик мобайнида республика бинокорлик материаллари саноати жами 12,6 миллион кубометр йиғма темир-бетон ишлаб чиқарди.**

Йиғма темир-бетон конструкцияларни кенг қўлланиш қурилишни ташкил этишни тубдан яхшилашга имкон беради, яъни объектларни қурилиш майдончасида тайёр элементларни монтажлаб тикланади. Қурилиш заводда тайёрланган деталь ва узеллардан биолар, иншоотлар йиғиладиган механизациялашган жараёнга айланадики, бу қурилишда меҳнат унумдорлигини жадал ўстиришга имкон туғдиради. Масалан, зиналарни яхлит темир-бетон элементлардан монтаж қилинса, меҳнат сарфи эски конструкция бўйича алоҳида босқичлардан зина қуришга қараганда етти баравар кам бўлади.

Шунинг учун ҳам КПСС XXIV съезди Директивларида қурилишни индустрлаштиришга алоҳида аҳамият берилиб, бу соҳадаги бажарилиши лозим бўлган ишлар конкрет кўрсатиб ўтилган.

Қурилишда бир миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари ҳисобига йиғма темир-бетон, бетон конструкциялар ва деталларни қўллаш ҳажми қурилишнинг йиғмалик даражасини билдирадиган муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Агар 1960 йилдан 1965 йилгача бу кўрсаткич 1,41 минг кубометрдан 2,21 минг кубометрга етган бўлса, 1968 йилга келиб, атиги 1,75 минг кубометрга тўғри келди. Йиғма темир-бетон конструкцияларнинг қурилишда қўллаш суръатларининг пасайиши умуман республика бўйича ҳам қурилиш суръатлари, ҳам меҳнат унумдорлигини ошириш суръатларига салбий таъсир этди. Агар 1961—1965 йилларда ўртача йиллик ўсиш 7,2 процентни ташкил этган бўлса, 1966—1968 йилларда бу кўрсаткич 4,9 процентга тушиб қолди.

Йиғма темир-бетонни кенг қўлланиш асосида йирик панелли қурилиш ривожланиб бормоқда. **Тажриба шуни кўрсатиб турибдики, йирик панеллардан уй-жой қурилса қурилиш майдончасида умумий меҳнат сарф-ҳаражати 40 процент камаяди, ҳар квадрат метр уй-жой майдонининг нархи 16 процент арзонлашади, қурилиш кескин даражада тезлашади.** Қурилишнинг бу турига ўтилгач, йиғма уйсозликни ривожлантиришда янги босқич бошланди. Ташқи ва ички деворлар, йиғма элементларни яхлитлаш бу элементларни завод шароитида юксак даражада сифатли қилиб тайёрлаш мумкин бўлгани учун ҳам йирик панелли биолар қурилишида самарадорлик каттадир. **Гиштдан қурилган биноларда ҳар квадрат метр уй-жой майдонига ўртача 5—6 киши-куни сарфланса, йирик панелли ва йирик блокли биноларда шу кўрсаткич 2,3—2,8 киши-кунига тўғри келади, яъни меҳнат сарфиёти икки баравардан ортиқроқ камаяди.**

Катта ҳажмли конструкциялардан биолар ва иншоотлар монтажлашга ўтиш йиғма қурилишни олиб боришда катта аҳамиятга эга. Бундай конструкцияларнинг асосий хусусияти шундаки, меҳнат сарфиётининг аксарият қисми қурилиш-монтаж майдончасидан бевосита завод шароитига кўчирилади. Йирик ҳажмли элементлар (блок-хона, блок-квартира, блок-секция ва бошқалар) ҳар томонлама бирлаштирилган конструкция бўлиб, улар завод шароитида тайёрланади ва қурилиш майдонига олиб борилиб, монтаж қилинади. Москва шаҳридаги тўла йиғма биолар ва катта ҳажмли элементларни монтажлаш тажрибаси шуни кўрсатадики, **бу усулда ҳар квадрат метр уй-жой майдонига кетадиган меҳнат сарфиёти йирик панелли қурилишга қараганда 2,2—4 баравар камаяр экан.** Уйларни бир неча соатлар ичидаёқ монтажлаб бўлинади. ҳар квадрат метр уй-жой майдонига ҳисобланган қурилиш майдончасининг ўзида жуда кам меҳнат сарфланади.

Қурилишнинг пардозлаш, айниқса буёқчилик ишлари кўп меҳнат талаб қилади. Ўзбекистон ССР қурилиш министрлигининг маълумотларига қараганда, пардозлаш ва бўёқчилик ишларида қурилиш майдончасида ишлаётган ходимларнинг 15 процента банд бўлмоқда. Шунинг учун бу иш операцияларида фан-техника ютуқларини кенг қўлланиш меҳнат унумдорлигини оширишнинг катта резерви ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда қурилишда қимёвий материаллар, биринчи навбатда пластмассалар ҳисобланган ёғоч, қоғоз, керамика, чўян сингари буюмлар ўрнига синтетик елим ва пластмассадан тайёрланган буюмларнинг ишлатилиши пардозлаш ишларининг сифатини кескин яхшилаш, нархини арзонлаштириш билан бирга қурилиш муддатларини қисқартириш имконини бермоқда. Шу ўринда бир мисол айтиб ўтайлик. Агар, уйларнинг поли линолеумдан ишланадиган бўлса, одатдаги ёғоч полларни ишлашга қараганда унумдорлик тахминан уч баравар, одатдаги керамик пардозлаш плиткалари ўрнига синтетик плёнкалар ишлатилса, 4—5 баравар ортади.

МЕХАНИЗАЦИЯ — БИНОКОРГА МАДАДКОР

Қурилишда меҳнат унумдорлигини оширишнинг энг муҳим резервларидан бири қурилиш ишларининг механизация даражасини ҳар томонлама кўтаришдан иборатдир. Механизация меҳнатни енгиллаштирибгина қолмасдан, у ёки бу маҳсулотга кетадиган сарф-харажатни ҳам камайтиради. Демак, қурилишнинг механизациялашган участкаларидан ишчи кучининг бир қисмини бўшатиб, янги қурилишларга жалб этиш мумкин бўлади. Ҳозирги вақтда қурилиш ишларининг деярли қўлда бажарилаётганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, механизация проблемасини зудлик билан ҳал этишнинг гоят муҳим аҳамияти равшан бўлади-қолади. Шундай экан, қурилиш ишларини механизациялаш даражасини ошириш меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг энг муҳим омилидир.

Қурилишда қисман ва комплекс механизация бўлади. Қисман механизация дейилганда асосий ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш назарда тутилади, ёрдамчи ишлар эса қўлда бажарилади. Комплекс механизацияда эса қурилишдаги асосий жараёнлар ҳам, ёрдамчи жараёнлар ҳам машина ва механизмлар зиммасига юкланади.

Янги машиналар ва механизмлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда ўзлаштириш қурилиш-монтаж ишларини механизациялаш даражасини оширишнинг муҳим шартидир. Республика қурилиш ташкилотларида юқори унум билан ишлайдиган янги техника сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Агар 1940 йили Ўзбекистон қурилиш ташкилотлари ихтиёрида 25 экскаватор, 15 кран ва оз миқдорда бошқа хил техника бўлган бўлса, **1970 йилнинг бошларида 5 мингга яқин юксак унумли экскаватор, 2,2 минг скрепер, 4,5 минг бульдозер, 3,2 минг кўчма кран ва кўплаб бошқа бинокорлик техникаси ишлади.** Ҳозирги вақтда мавжуд бўлган экскаваторлар билан ҳар йили 750—800 миллион кубометр ер ишларини бажариш мумкин. Бу 1939 йили 160 минг киши иштирокида қўл билан қазилган Катта Фарғона каналининг 45—50 тасига тенг келади. Айни вақтда ана шунча қурилиш машиналари ҳам ҳозирги вақтда тўхтовсиз ўсиб бораётган қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини комплекс механизациялаш учун етарли эмас.

1970 йилнинг бошларида республика қурилишларидаги айрим иш турлари бўйича комплекс механизация даражаси бирмунча юқори бўлди. **Ер ишларида — 9,1 процент, бетон ва темир-бетон буюмларини монтажлашда — 98,1 процент, металл конструкцияларни монтажлашда — 90,7 процент, автомобиль йўллари қурилишида — 95 процент, магистрал қувурлар ўтказишда — 98,6 процент, юқори вольтли электр узатиш линияларини қурилишида — 97,4 процент эди.** Айни вақтда бетон ва темир-бетон ишларида, шунингдек бетон тайёрлашда комплекс механизация даражаси 70—75 процентга етди. Қоришма тайёрлашда эса кейинги ўн йил ичида комплекс механизация даражаси 23,4 процентдан 52 процентга етди. Қурилишда оммавий иш турларини комплекс механизациялаш соҳасида катта силжишлар рўй берганига қарамасдан, эришилган ютуқлар ҳали қаноатланадиган даражада эмас. **Агар ер ишларидаги қўлда бажариладиган операциялар механизациялаштирилса, меҳнат унумдорлиги 12—14 баравар, юк ортиш-тушириш ишларида олти баравар, суворқчиликда 4 баравар, буёқчиликда 6—7 баравар ўсиши ҳисоблаб чиқилган.** Лекин шунга қарамай қурилиш ишларининг кўпгина операцияларида механизация ва комплекс механизация даражаси ҳали анча паст.

Бунга асосий сабаблардан бири мавжуд машина ва механизмлардан максимал даражада фойдаланилмаётганлигидир. Механизациялашган ишлар ва ремонт хўжалигининг яхши ташкил этилмаганлиги натижасида машиналарнинг кўплаб бекор туриб қолишига йўл қўйилмоқда. Масалан 1969 йили экскаваторлар бўйича умумий машина-смена миқдорининг 39 процента, скреперлар бўйича—50 процента, бульдозерлар бўйича—38 процента, кранлар бўйича—34 процента йўқотилди. Қурилиш машиналарининг сменалик иш коэффициенти 1,0—1,3 атрофида тебраниб турадики, бу кўрсаткич ниҳоятда кам ҳисобланади. Агар қурилиш машиналарининг камида икки сменада ишлаши таъминланса ҳамда иш сменаси йилига 500—520 га етказилса, қурилиш ишларини комплекс механизациялаш соҳасида катта иш қилинган бўларди.

Машиналардан фойдаланиш коэффициенти нега бунчалик паст? Ишларнинг кўпчилик объектлар бўйича тақсимлаб юборилиши бинокорлик машиналаридан етарли даражада фойдаланиш имконини бермаяпти. Бир ташкилотнинг бир вақтнинг ўзида кўпгина объектларга қўл уриши натижасида механизмлар тез-тез бир жойдан иккинчи жойга олиб ўтилаверадики, уларни монтажлашга кетадиган меҳнат сарфиёти ортади, вақтдан ютқазилади. Демак, меҳнат унумдорлигини оширишга салбий таъсир этади.

Қурилиш ташкилотлари бажариладиган ишларни бир ерда олиб борсалар, қурилаётган объектлар сони камроқ бўлса, машиналардан фойдаланиш даражаси ҳамда меҳнат унумдорлиги янада ортган бўларди.

Бинокорлик машиналарининг бекор туриб қолишига нималар сабаб бўлади? Етарли материалларнинг бўлмаслиги, механизмларнинг бузилиб қолиши ёки сифатсиз ремонт қилинаётганлиги, иш фронти йўқлиги, ишчи кучининг етишмаслиги ва қатор бошқа факторлар сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам қурилиш майдонларида ишни яхши ташкил этиш машиналарнинг бекор туриб қолишига барҳам беради. улардан фойдаланиш даражасини, демак ишларнинг механизация даражасини оширадики, бу қўл меҳнатини камайтириб, унумдорликни кўтариш, деган гапдир.

Қурилиш ишларини механизациялаш масаласи ҳал қилинаётганда, одатда, аввало катта ҳажмдаги ишлар назарда тутилади. Бунга сабаб шуки, қанчалик катта ҳажмдаги иш қамраб олинса, унинг иқтисодий самараси ҳам шунча юқори бўлади. Буни республикадаги бир қадар юксак даражада механизациялашган қурилиш ташкилотлари мисолида кўриб чиқайлик. Илгор ташкилотларда ер ишларини, бетон ва темир-бетон ишларини, металл конструкцияларни монтажлашни, автомобиль йўлларини қуришни, магистрал қувурларни ўтказишни, юқори вольтли электр узатиш линияларини қуришни механизациялаштириш даражаси 90 процентдан ортиқ. Бу ташкилотларда ишлаб чиқаришнинг ўсиши ҳисобига меҳнат унумдорлиги ҳар йили 10—12 процентдан ошиб боради. Ташкилотларнинг ишлаб чиқариш фондлари ҳар йили 15—20 процентдан ортиқ кўпаймоқда. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши ҳисобига ишчи ва хизматчилар сонининг ўсиши 5—6 процентдан ошмаяпти. Бу ташкилотларда ишлаётган ишчиларнинг 70 процентдан ортиғи 4—5 разрядли малакали ишчилардир.

Механизациялаштирилган ишларнинг ҳажми ошиб, меҳнат унумдорлиги ўсиб бораётган бу ташкилотларда ишлаётган ишчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 150—160 сўмдан кам эмас. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши ҳисобига ишчиларнинг ойлик иш ҳақи ҳам ўсиб боради. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши ҳисобига ишчиларнинг ойлик иш ҳақи ҳам ўсиб боради. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши ҳисобига ишчиларнинг ойлик иш ҳақи ҳам ўсиб боради.

ЭРТАГА — СССР ҲАВО ФЛОТИ КУНИ

ШОНЛИ ЙЎЛ

1923 йил 9 февралда В. И. Ленининг ташаббуси билан граждан авиацияси бўйича доимий кенгаш ташкил қилинди. Бу сана СССР граждан авиациясининг туғилган куни ҳисобланади.

Мамлакатимизда Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган шарафли номга 1934 йилда биринчи бўлиб, етти учувчи сазовор бўлган. Улар: челюскинчиларни қутқаришган эди.

30 йилларда совет учувчилари мамлакатимиз конструкторлари ясаган самолётларда ажойиб парвозлар қилдилар. Бу парвозлар Совет мамлакатига шон-шуҳрат келтирди. Улардан бири АНТ—25 самолёти экипажининг Москвадан Шимолий Қутб орқали АҚШ га қўнмасдан учиши бўлди. Ватанимизга узоққа учишда жаҳон рекорди келтирган бу парвозда Чкалов, Байдуков, Беляковлар қатнашган.

Партия ва халқнинг ҳаво флоти қурилиши юзасидан урушгача бўлган йилларда олиб борган жуда катта ишлари натижасида СССРда барча типдаги жанговар самолётлар: қирувчилар, бомбардимончилар, штурмчи самолётлар яратилди.

Улуғ Ватан уруши йилларида учувчиларимиз 3 миллиондан ортиқ жанговар парвозларда қатнашдилар. Совет-Герман фронтида душман йўқотган 77 минг самолётдан 57 мингни бизнинг авиациямиз томонидан ҳаво жангларида ва аэродромларда яксон қилинди.

Бизнинг граждан авиациямизнинг ҳаво йўллари 600 минг километрга чўзилган. 60 дан ортиқ давлат аэрофлотнинг мунтазам рейслари орқали Совет Иттифоқи билан боғланган.

Аэрофлот ўзининг 49 йиллиги кунида—шу йил 9 февралда ТУ-154 лайнерини биринчи мунтазам рейсга чиқарди.



СУРАТДА: «ИЛ-18» самолётининг экипаж аъзолари — (ўнгдан чапга) штурман В. Калабушкин, кема командири М. Бурьянов, борт радисти К. Норматов, борт механиги С. Сандмаҳмудов ҳамда иккинчи учувчи В. Слободской ўртоқлар ўз кемалари олдида.

САМО ШУНҚОРЛАРИ

(РЕПОРТАЖ)

«ИЛ-18» лайнерининг кабинасидамиз. Двигателлар бир маромда қаттиқ гувиллаб, кўкка парвоз этиш учун шайланмоқда. Чап штурвалда кема командири Михаил Иванович Буряьнов, ўнг штурвалда Виктор Яковлевич Слободской, уларнинг ўртасида сал орқароқ қўйилган ихчам креслода бортмеханик Сайдулла Сандмуҳамедов, кема командирининг орқа томонида эса штурман Виктор Михайлович Калабушкин, унинг ўнг ёнида бортрадист Карим Норматов ўтиришибди.

Самолёт жойидан оҳиста қўзғалди. Командир қаршисидаги экранда аэропортнинг бетон йўли намоён бўлди. Самолётнинг текис йўлдан тезлигини тобора оширишга бетон плиталар чизиғининг липиллаб орқада қолишидан кўриниб турибди. Штурман лабларига туташай деб турган микрофонга борган сари тезроқ гапиряпти:

— Тезлик 130, 150, 180, 200, 250, 270...

Ердан кўтарилдик. Экрандаги бетон йўл ўрнида уйлар, яшил майдонлар, ариқлар пайдо бўла бошлади. Бироздан сўнг экран коронғилашди. Энди самолёт осмонда бир маром билан учиб бормоқда эди. Штурман Виктор Михайлович ҳам ишга камайиб, енгил тин олди. Пайтдан фойдаланиб уни саволга тутамиз.

— Ўн беш йилдан бери кема штурмани вазифасида ишлаб келяпман. Бу иш ўзимга жуда ёқади, энди ҳаётимни самолётсиз тасаввур қилолмайман,— деди Виктор Михайлович узун, бақувват гавдасига ярашган вазмин бир табассум билан.

Бортрадист Карим ака ҳам суҳбатимизга қулоқ тутиб турган экан. Ўзи ҳақида икки оғиз гапиришини сўрадик.

— Йигирма йил бўлди, шу касб билан осмонда учиб юрибман. Ундан аввал дейсизми? Мактабда ўқиганман.

Шу пайт кабина тепасидаги радиомосламадан Ер буйруқ берди:

— Двигатель ишламай қолганда командирнинг буйруғи билан иш тутинг.

— 180 градусга бурилишни бажарамиз,— деди штурман экипажга. Зум ўтмай Виктор Михайлович қўлидаги микрофонга одатдагидан сал шошиброқ гапирди:

— Иккинчи двигатель ишламай қолди.

Ердан кўрсатма эшитилди:

— Иккинчи двигателни туширинг.

— 550 эшитади, иккинчи двигатель туширилди.

Самолёт учта двигатель билан ишлаяпти. Бироқ экипаж аъзоларининг авзойида ҳеч қандай саросималик кўринмайди. Фақат кема командири Михаил Иванович ўнг қўли билан штурвални бошқаргани ҳолда, чап қўлидаги дастрўмол билан юзи ҳамда бўйнидаги тер томчиларини дамба-дам артади. Шошиш ёки ҳаяжондан эмас, кабина бирмунча иссиқлигидан.

Ердан кўрсатманинг давоми эшитилди:

— Тошкентга қайтинг, учинчи қайтиш районига...

Бирдан штурман Ерга иккинчи нохуш хабарни эълон қилди:

— Беш юз эллик, тўртинчи двигатель ишламай қолди.

Радиомосламада «Ер»:

— Қўниш шартлари билан таништираман...

— Беш юз эллик, сизнинг ўнг двигателингиз ишламаяпти, ўнгга кескин бурилясиз.

Самолёт пастлаяпти. Экранда яна уйлар, дарёлар намоён бўлди. Улар тобора катталашиб, сўнг ўрнини бетон йўлга бўшатиб берди. «ИЛ-18» оҳиста тўхтади. Кабинадаги радиомосламадан старший инструктор Петр Никонорович Терешиннинг таниш овози эшитилди:

— Тренировка тугади, чиқишингиз мумкин.

Ҳаммамиз кабинадан чиқдик. Аппаратура олдида ўтирган Петр Никонорович ўрнидан тураётиб:

— Балли, болалар, ҳаммавақт шундай бўлиш керак,— деди бепарво оҳангда ва рўпарадаги хонага кириб кетди. Ҳовлидаги боғчага чиқдик. Бортмеханик Сайдулла Сандмаҳмудов тоза ҳаводан тўйиб нафас оларкан:

— Бу машғулот ҳар қандай учишдан оғир,— деди ўзича гапиргандек қилиб.

— Қалай, учишнинг ўзи яхшими?

— Ўзига яраша гашти бор. Албатта, қийинчиликлари ҳам йўқ эмас, бироқ, қийинчиликсиз ишнинг ўзи йўқ-ку. Машаққат чекмай бирон касбни эгаллаш мумкин эмас. Мана ўзим, 1953 йилда авиация билим юртини тугатдим. Сўнг 1961 йилгача офицерлар составида Ватан хизматини ўтадим. Хизматдан кейин яна авиацияга қайтиб келганимча, шунда ишлаяпман. Бу касбда ишлашнинг гашти, завқи ҳар қандай қийинчиликларни устун туради. Ҳар галги рейсимиз ҳар хил маршрутда: Одма-ота, Семипалатинск, Новосибирск, Омск, Ленинград, Москва, Львов, Киев, Андижон, Самарқанд, Нукус... Совет Иттифоқининг ҳамма шаҳарларига учамиз.


— «ИЛ-18» самолётининг бу экипажига ҳамма ҳавас қилади,—деган эди Тошкент бирлашган авиакорхонаси бошлиғининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари Маҳкам Абдуллажонов.— Улар планларни ортиғи билан бажаришда, интизомда, ҳамфикр-ҳамдардликда коллективнинг ҳурматини қозонишган. М. Бурьянов тажрибали учувчи. 1955 йилдан бери парвоз қилади. Бундан уч йил аввал кема командири бўлди. Экипажнинг энг ёш аъзоси — 2-учувчи В. Слободской. У бирнеча йил кичик самолётларда тажриба орттиргач, бу йил мана шу коллективга қўшилди. Улар ҳамонда ҳам, ерда ҳам бир-бирини ҳурмат қиладиган яқин дўстлар...

Биз уларни тренировка машғулотида учратдик. Бундай машғулотлар тренажерда ҳар мураккаб вазиятлар таҳлил қилинади.

Ҳозир эса улар самода учишаётгандир.

— Тренировкадаги «кўнгилсизликлар» кўкда рўй бермасин, само шунқорлари!

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.



Пётр Никонорович Терёшин 1939 йилда Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармасида учувчилик фаолиятини бошлади. Тажрибали мутахассис 1961 йилдан бери тренажёрда старший инструктор вазифасида ишлаб келмоқда. У тренировка машғулотлари пайтида учувчилар билан ҳавода рўй берадиган баъзи кўнгилсизликлар, ҳамда мураккаб вазиятларни таҳлил қилади. Суратда: П. Н. Терёшин машғулот пайтида.

А. АБАЛЯН фотолари.

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

ДЎСТОНА ҲАМКОРЛИК

БАМАКО. «Мали делегациясининг СССРга қилган сафари Мали Республикаси билан Совет Иттифоқи ўртасида мавжуд бўлган дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлашга ёрдам беради». Миллий озодлик ҳарбий комитетининг аъзоси, юстиция министри Жозеф Мара Совет Иттифоқидан қайтиб келганидан кейин шу гапларни айтди.

Мали делегациясининг бошлиғи Совет Иттифоқига қилган сафари натижаларидан, шунингдек Москвада ўтказилган учрашув ва суҳбатлардан гоят мамнун бўлганлигини билдирди.

„СОВЕТ КИШИЛАРИ ИНОҚ ҲАЁТ КЕЧИРМОҚДАЛАР“

«Япония—СССР» жамияти марказий правлениеси президиумининг аъзоси, шу жамият Токио бўлими раисининг ўринбосари Хидэо Такаяма бошчилигидаги делегация Тошкентда уч кун меҳмон бўлади. Делегация аъзолари «Таштекстильмаш» заводида бўлдилар, республика пойтахтидаги янги қурилишларни, турли маданий-оқартув муассасаларини кўздан кечирдилар, пионер лагерларидан бирини бориб кўрдилар.

Меҳмонлар «СССР—Япония» жамияти Тошкент шаҳар бўлимининг активлари билан учрашиш вақтида ўз таассуротларини айтиб бердилар. Хидэо Такаяма бундай деди: «Биз Ўзбекистонга қилган сафаримиз вақтида Советлар мамлакатининг турли миллатларига мансуб кишилари тенг ҳуқуқлардан фойдаланиб, жуда иноқ яшаётганликларини ва меҳнат қилаётганликларини яхши тушуниб олдик. Совет граждапларининг турмуш даражаси, гоят юксак эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Буларнинг ҳаммаси бизларни — Совет Иттифоқи дўстларини жуда қувонтиради».

(ЎзТАГ).

ДЎСТЛАР УЧРАШУВИ

УЛАН-БАТОР, 17 август. (ТАСС). Бу ерда Д. Нацагдоржа номли театрда Монголия жамоатчилиги вакилларининг совет хотин-қизлари делегацияси билан СССРнинг 50 йиллигига бағишланган тантанали учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувга Осиё ва Африка мамлакатлари хотин-қизларининг Улан-Баторда ўтказилаётган иккинчи конференцияси делегатлари таклиф қилинди.

Учрашувда Монголия хотин-қизлар комитетининг раиси, таниқли ёзувчи С. Удвал, пойтахт жамоатчилигининг вакиллари сўзга чиқдилар.

Монголия Халқ Республикаси Буюк Халқ Хуралининг депутати, Улан-Батор саноат комбинатининг ишчиси Ц. Амгалан ўз нутқида бундай деди: совет кишиларининг, Советлар мамлакати шонли ишчилар синфи намояндаларининг миллий саноатимизни ривожлантириш, ишчилар синфимизни инженер-техник зиёлиларимизни шакллантириш соҳасидаги хизматларини Монголия ишчилар синфи ҳеч қачон ердан чиқармайди.

Совет делегациясининг бошлиғи, СССР Олий Совети Миллатлар Советининг раиси Е. С. Насриддинова жавоб нутқи сўзлади.

УГАНДА БАНГЛАДЕШ РЕСПУБЛИКАСИНИ ТАНИДИ

КАМПАЛА. Уганда ҳукумати Бангладеш Халқ Республикасини таниш тўғрисида қарор қабул қилди.

Уганда президенти Иди Амин бу ерда Бангладеш Халқ Республикаси бош министрининг махсус вакилини қабул қилиб, шу тўғрида гапирди. Бош министр вакили Уганда президентига бош министр Мужибур Раҳмоннинг мактубини топширди.

МАХСУС КОМИССИЯ ТАЛАБИ

ГААГА. Ибодатхоналар жаҳон кенгашининг Утрехтда ўтказилаётган сессиясининг махсус комиссияси Америка авиацияси Вьетнам Демократик Республикасининг ирригация иншоотларини бомбардимон қилаётганини қаттиқ қоралади. Ишлаб чиқилган ҳужжатда комиссия АҚШнинг Ҳинди-Хитойдаги агрессияси тўхтатилсин, деб талаб қилади.

КОРОЛЬ САМОЛЁТИГА ҲУЖУМ ҚИЛИНДИ

РАБОТ, 17. Король Ҳасан II Франциядан Работга қайтиб келаётган вақтида королнинг махсус самолётига ҳужум қилинганлиги тўғрисидаги хабар чоршанба куни кечқурун радио ва телевидение орқали маълум қилинди. Эскортдаги самолётларнинг биридан махсус самолётга ракеталар отилган ва пулемётдан ўт очилган. Бунинг натижасида самолёт шикастланган. Лекин шунга қарамай самолёт Работ аэродромига қўнган.

Шундан кейин эскортдаги бошқа самолётлар аэропорт биносини ўққа тутган.

Хабарда айтилишича, король жароҳатланмаган ва саройга қайтиб келган. Ҳукумат аҳволни тамомила ўз назоратига олган.

Аэропортни ўққа тутиш натижасида жароҳатланган кишилар бор.

АССАМБЛЕЯ ТАРҚАТИБ ЮБОРИЛДИ

СИНГАПУР. 17. Бу ерда Сингапур парламентининг қонун чиқарувчи ассамблеяси тарқатиб юборилганлиги эълон қилинди. Янги сайлов ўтказиш вақти расмий жиҳатдан белгиланмаган, лекин сайлов сентябрь ойининг дастлабки ҳафтаси ичида ўтказилса керак деб умид қилинмоқда.

АВТОМОБИЛЬ ФАЛОКАТЛАРИ

ПАРИЖ. 17. Францияда 11 августдан 15 августгача юз берган автомобиль фалокатлари дастлабки натижасига кўра, 220 киши нобуд бўлди ва 2404 киши жароҳатланди.

●

НЬЮ-ЙОРК. 17. Шу йилнинг биринчи ярмида АҚШ йўлларида салкам 26 минг киши ҳалок бўлди. Бу АҚШ йўлларида бултурги йилнинг шу давридаги қурбонларга нисбатан 5 процент ошади.

Транспортдаги ҳаракат хавфсизлиги масалалари билан шуғулланувчи миллий кенгаш шу йилнинг биринчи ярмини «кўп ўлим келтирган ярим йиллик» деб таърифлади.

КИССИНЖЕР САЙГОНДА

НЬЮ-ЙОРК. 17 август. (ТАСС). Америка информация агентликлари хабар беради: визит билан Сайгонга келган АҚШ президентининг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ёрдамчиси Киссинжер бугун Жанубий Вьетнамдаги АҚШ қуролли кучлари қўмондони генерал Ф. Уиланд ва Американинг элчиси Э. Банкер билан кенгашиб олди.

Жанубий Вьетнамга кеча кечқурун келган президент ёрдамчиси ўз визитининг мақсадлари тўғрисида ҳеч нарса айтмади.

АНГАР ҚУРТХОНАСИ

ЯНГИЙЎЛ. (ЎзТАГ мухбири). Ипак қуртларини боқиш учун Ангар типидаги янги қуртхонани қабул қилиш тўғрисидаги акт имзоланди. Ўрта Осиё машина синаш станциясида давлат сиповлари ўтказилди.

Бу қуртхонани Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги ипакчилик бош бошқармаси билан Андижон область ипакчилик бошқармасининг мутахассислари биргаликда барпо этишган.

Шу йил Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозида шундай қуртхоналардан бири қурилиб, 120 квадрат метр майдонда уч қути қурт уруғи боқилди. Ҳар қутидан одатда шу мақсад учун ажратиладиган биполардагига нисбатан 10 килограмм ортиқ — 70 килограммдан пилла олинди. Полиэтилен «уйча» иқтисодий жиҳатдан самарали ҳамда фойдаланишга ўнгай. Хўжалик ипак қуртини боқмайдиган пайтда қуртхона сабзавот етиштириш учун теплица хизматини ўтайди. Бу мавсум 7,5 ойгача давом этиши мумкин.

Ўзбекистон пиллачилигида кенг жорий қилиш учун Ангар қуртхонаси қабул қилинди.

САЙЁР ВИСТАВКА

Ўзбекистон ССР Марказий давлат архиви СССР 50 йиллигига бағишланган сайёр виставка ташкил этди. Бу виставкада Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи тузилиши арафасида ва бу иттифоқ ташкил топган даврда Туркистонда ленинча миллий сиёсатнинг амалга оширилишини ёритувчи ҳужжатларнинг фотосуратлари бор. Экспонатлар орасида СССРни ташкил этиш тўғрисидаги декларацияни, СССР Советлари биринчи съезди қатнашчиларининг фотосуратларини кўриш мумкин.

Навоий номли кинотеатрда очилган бу виставка шаҳардаги ишчи клубларида ҳам намойиш қилинади.

(ЎзТАГ).



МОВЛУД Магарамовнинг темирчилик касбида ишлаётганига чорак асрдан ошиб қолди. Ўрта Чирчиқ районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзоси Ўртоқ Магарамов зиммасига юклатилган топшириқларни доимо бир ярим бараварга етказиб, коллектив ҳурматини қозонмоқда.

И. ЗАЙНИДДИНОВ фотоси.

ЯНГИЛИКЛАР

БИРИНЧИ ҚЎНҒИРОҚ

Ҳадемай ўқувчилар орзиқиб кутган кун келади. Мактабларда биринчи қўнғироқ овози янграйди. Бу йил Тошкент шаҳрининг бир қатор районларида қурилган янги мактабларда кўнғироқ овози биринчи марта жаранглайди.

153-қурилиш трестининг қўли гул бинокорлари Чилонзорнинг Д—20 секторида яна бир мактаб биносини фойдаланишга топширдилар. Мактабнинг ёруғ ва кўркам синфхоналари бир йўла 1406 ўқувчини ўз бағрига олади. Шундай катта мактабларнинг бири Қорақамиш массивида ҳам қад кўтарди. Янги массивга кўчиб келган ота-оналарнинг фарзандлари ҳар жиҳатдан қулай бўлган бу мактаб синфхоналарида билим оладилар.

Тошкентлик қурувчилар Юнусобод массивида ва Сағбон кўчасида ҳам иккита мактаб қурилишини ниҳоясига етказдилар. Сентябрь ойи ичида эса Қўйлиқ массивида қурилаётган 1104 ўринли мактаб биноси фойдаланишга топширилади. Қурилаётган ва ишга туширилаётган мактабларнинг ҳаммасида фарзандларимизнинг пухта билим олиши учун барча шарт шароит муҳайёдир.

СОВУҚ ИЧИМЛИКЛАР КЎПАЯДИ

Қибрайдаги алкоголсиз ичимликлар комбинати тайёрлайдиган маҳсулотлар ҳилн яна ҳам кўпаяди. Ҳозир минерал сув етказиб берадиган қудуқларни қазиш ишлари жадал давом этмоқда. Минерал сув келгач ҳар йили 40 миллион шиша зилол ичимлик тайёрлаш имкони туғилади. Айни пайтда комбинат йилига 50 миллион шиша лимонад ҳам етказиб беради.

Комбинатнинг ўз пиво заводи ҳам бўлади. Янги завод ишга туширилгач бир йилда 130 миллион шиша ичимлик тайёрланади. Бу эса ҳозир Тошкентдаги барча пиво заводлари тайёрлаётган маҳсулотлар ҳажмига тенгдир. Шуниси қувончлики, пиво тайёрлаш учун зарур бўладиган хом ашёларнинг ҳаммаси шу ернинг ўзида ҳозирлаб берилади.

Ҳозир комбинат комплексларини қуриш ишлари ҳар қачонгидан ҳам тез суръатда олиб борилмоқда. Комбинат янги йилдан бошлаб маҳсулот тайёрлашга киришади.

ДОНОЛАР ИЛМ-ФАН ҲАҚИДА

Кимки илмдан қўз юмса, кимки ўзи ўқимаса ва ўз фарзандларига билим бермаса, у ўзига, ўз фарзандларига ва ўз қариндошларига нисбатан ўта ёвузлик қилган бўлади.

Г. ЗАРДОБИЙ.

●

Зинҳор унутмангки, илм кишидан унинг бутун умрини сарфлашни талаб этади. Бордию, сизда иккита ҳаёт бўлган тақдирда ҳам озлик қиларди. Илм кишидан кўп қувват ва буюк завқ талаб қилади.

И. ПАВЛОВ.

●

Илмсиз иш шўрҳокка ташланган уруққа ўхшайди. Ишсиз илм эса тириклайин гўрга кўмилган нарсага ўхшайди.

А. САНОИЙ.

●

Олим асос-эътибори билан жамиятникидир... У жамият туфайлигина ва фақат жамият учунгина яшайди. Жамият учун орттирган ўз билимини у албатта жамият манфаати йўлида сарфламоғи лозим.

И. ФИХТЕ.

Реклама ВА Эълонлар

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

СССР ТАШКИЛ ТОПГАН КУННИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

19, 20 АВГУСТ КЕЧ СОАТ 8 ДА

БУТУНИТТИФОҚ БАДИИЙ КОЛЛЕКТИВЛАР КЎРИГИНИНГ ЛАУРЕАТИ

«ШОДЛИК» АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар ҚИЗЛАРХОН ДУСМУҲАМЕДОВА, ВИЛОЯТ ОҚИЛОВА, САЙФИДДИН ЙЎЛДОШЕВ;

Солистлар: Дилором ҚАЮМОВА, Гулшод ОТАБОЕВА, Дадахон ҲАСАНОВ, Аҳмад ШУКУРОВ, Хотам ҲОЖИЕВ, Назира ШЕРАЛИЕВА, Дилафруз ЖАББОРОВА, Қодир МЎМИНОВ, Роза КАКУРИЕВА, Тўхтасин МАДАМИНОВ ва бошқалар.

Ансамблнинг бадиий раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ҲАКИМ НИШОНОВ.

Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

БИЛЕТЛАР Свердлов номли концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилмоқда.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

21 АВГУСТ КЕЧ СОАТ 8 ДА

БУТУНИТТИФОҚ БАДИИЙ КОЛЛЕКТИВЛАР КЎРИГИНИНГ ДИПЛОМАНТИ

ВОКАЛ-МУЗИКАЛИ ХОРЕОГРАФИК

„ЛАЗГИ“ ансамблининг концерти

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

ГУЛСАРА ЁҚУБОВА

VI Жаҳон ёшлар ва студентлар фестивалининг лауреатлари: ОНАБИБИ АҲМЕДОВА, ОТАМУРОД ХОЖИЕВ, РАЖАБ ЙЎЛДОШЕВ;

Ансамблнинг солистлари: Шариф СУЛТОНОВ, Уғилжон РАҲИМОВА, Омина ҲАЛИЛОВА, Нуржаҳон САТТОРОВА, Турсуной МАМЕДОВА;

Раққосалар ва раққослар: Рашида АЗИМОВА, Раъно ЖУМАНИЁЗОВА, Зуҳра ҒОЗИЕВА, Ойдин ЭГАМБЕРДИЕВА, Светлана ПОПОВА, Бекажон ҲАЙИТОВА, Назира СУЛТОНОВА, Ражаб ИСМОИЛОВ, Жумабой БОБОЕВ, Мурат ЖУМАБОЕВ;

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Қодир уста БОБОЖОНОВ, Собир НУЛДОШЕВ, Назир ОЛЛОБЕРГАНОВ, Элуддин ШАХОБИДДИНОВ, Усмон АҲМОНОВ, Тоҳир АЪЗАМОВ.

Ансамблнинг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери — Ўзбекистон ССР халқ артисти ГАВҲАР РАҲИМОВА.

Программани Зуҳра ТЕМИРОВА олиб боради.

Билетлар сотилмоқда.

Спорт

МУРАККАБ ВАЗИЯТ

Жаҳон чемпионлиги учун шахмат матчининг 15-партиясида Спасский оқ доналар билан ўйнади. Бу учрашувда яна сицилианча ўйин услуби қўлланди. Даъвогар чемпионнинг ўн иккинчи юришига жавобан узоқ ўйланиб қолди. Рақиблар катта рокировка қилишди. Тахтада вазият жуда чигаллашиб борди. Учрашув қирқинчи юришда кечиктирилди. Спасскийнинг икки пиёдаси ортиқ. Лекин, ғалаба қилиш учун имкониятлари етарлими йўқми, буни айтиш қийин. Кечиктирилган ҳолатда қоралар оқ доналарга шох эълон қилган. Баъзи мутахассисларнинг фикрича, Фишер доимий кишт билан ўйинни дурангга олиб келиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИДА

Ўзбекистон футбол чемпионатининг саралаш ўйинлари қизғин паллага кирди. Ҳадемай биринчи давра тугайди. Ҳозирча биринчи группада Тошкентнинг «Старт» клуби олдинда бормоқда. Чирчиқнинг «Сплав» футболчилари ҳам мухлисларини хурсанд этаётган эдилар. Бироқ сўнгги турда Қувасойга бориб «Цементник»дан 0:2 ҳисобида енгилдилар. Ёшлар футбол мактаби командаси Андижоннинг «Автомобилист» вакилларини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Иккинчи группада ўтган йилги финал ўйинларининг қатнашчилари «Наримоновчи» ва «Пахтачи» бошқа рақибларидан ўзиб кетишди. Наримонов номли колхоз командаси меҳмонда ҳам, ўз уйида ҳам бир хил уюшқоқлик билан ўйнамоқда. Бу коллектив беш ўйиндан ўн очко тўплади. «Пахтачи» эса тўрт ўйинни ютиб, бир ўйинда мағлуб бўлди. Бу группада Жиззахнинг уйсозлик комбинати, Ўзбекистон кубоги эгаси—Қашқадарёнинг «Ленин йўли» командаси ҳам дуруст қатнашаяпти.



ГУЛСИЗ МЕВА

Анжирни биласиз, албатта. Бу ширадор мева дарахти асосан Ўрта Ер денгизи мамлакатларида, бизда эса Қримда, Кавказда, Ўрта Осиёда, жумладан Фарғона водисида кўп экилади. Анжир туршаги эса Жазоир, Греция, Туркияда кўплаб тайёрланиб, четга экспорт қилинади.

Анжир дарахтининг хатто ёш новдалари йўғонлиги, чангак бўлиб ўсиши билан кўп дарахтлардан фарқланади. Баҳорда у узум баргига ўхшаш, аммо ундан каттароқ шапалоқ барг чиқаради. Анжир уруғини асосан қушлар тарқатишади. У тоғ-тошларда, тош деворлар орасида ҳам ўсаверади.

Анжирнинг асл ватани Марказий ва Кичик Осиё бўлиб, ёз жуда иссиқ келганда айниқса яхши битади, аммо қишда 18 градусли совуққача бардош бераолади. Анжир меваси сентябрь ойида пишади. Мева пишиб етилгач, учи ёрилиб, тўқ қизил тусли уруғи кўринади. Қушлар бу уруққа айниқса ўч бўлишади, асалари ҳам анжир мевасини ёқтиради.

Анжирнинг яна бир хусусияти шундаки, унинг гули кўринмай, мева тугади. Анжир гули майда бўлиб, ёнғоқсимон гултўда ичига яширинган бўлади.

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

✦ АРМАНИСТОН ССР. Ереван—мамлакатимизнинг энг гўзал шаҳарларидан бири. Республика пойтахти Совет ҳокимияти йилларида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Ундаги қадимий ёдгорликлар билан бирга миллий усулда қурилган кўпдан-кўп замонавий бинолар шаҳар ҳуснига ҳуси қўшиб турибди. Кўпдан-кўп кўкаламзор майдонлар айниқса, кишн завқини оширади. Ҳар бир майдон ўртасида катта-кичик фонтанлар шалоласи. Ҳаммасидан ҳам доим мусаффо сув жўш уриб турган сон-саноқсиз булоқчалар иссиқ кунда кишига ҳузур бағишлайди. Суратда: Ленин номли майдондаги зилол булоқчалар.

А. АБАЛЯН фотоси.



МАШИНАФУРУШЛАР

Шастри кўчаси бўйлаб уч киши илдам юриб келишади-да, пештоқига 30 рақами ёзилган эшик олдида тўхташади. Улардан бири зарб билан эшикка мушт уради. Эшикни ранги заҳил, қовоқлари салқиган, сочлари тўзиган, алланимадан чўчиган кишидек саросимада турган киши очади. Эшикни очадию, ҳанг-манг бўлиб қолади. У ҳали ўзига келмай туриб, бошига ҳақоратлар ёғилади.

— Порахўр, харомтомоқ, —дея гирибонига чанг солиб олдига силтаб тортади. Ўткир Мақсудов, —мендан олган икки минг сўмни қани чўзиб қўй, йўқса кекиртагингни суғуриб оламан! Унинг ёнида Шоусмонов билан Маҳмудов мушт дўлайиб туришарди.

Бу воқеа Муқиддин Муродхўжаевнинг уйида, тўғрироғи унинг йўлагида бўлиб ўтган эди.

М. Муродхўжаев рўпарасидаги одамлар қаршисида бош эгиб тавба қилишдан бошқа иложи қолмаган эди. Ғазаб тўла ўқрайиб турган бу кўзлар бир вақтлар унга илтижоли, хаёли қарарди. Муродхўжаевни уришга шайланиб турган шу шахслар шу хонадонга бир неча бор ялиниб-ёлвориб келишган, остонасидан ўтибоқ минг-минглаб пулларни шалдиратиб санаб беришган эди. Мана бугун эса...

Начора! Муқиддин шу куни борйўғини қоқлаб беради, қолганига тилхат ёздириб олишади. Кетмакет яна эшик қоқилади. Муқиддин кўчага чиққанини билади, қолган воқеа эсида йўқ... Бир вақтлар унинг соясига кўрпача солган Абдуқодиров бўрсиқнинг боласидек калтаклай кетади. лаб-лунжи шишади, бедаво қиёфага киради.

Қилмиш қидирмиш! Ўз виждони ни оёқ ости қилиб, йигитлик фасилни тупроққа қориштириб, порага қўл чўзган бу шахс ким?!

Чўчиб ўтирмай айтиб қўяқолайлик. Тошкент шаҳар ижроия комитети план комиссиясининг собиқ раиси Муқиддин Муродхўжаев бўлади. У бу вазифасида ишлаб юрганда «даромад» чиқадиган жойларни кўзлайди. Райондаги корхона ва ташкилотларнинг илгор ишчи ва хизматчиларига сотиш учун келган енгил автомашиналарга тегишли ҳужжатлар тайёрлаш вазифаси топширилганлиги, унга қўл келади. Унга берилган бу ҳуқуқни эшитган баъзи автомашина шайдолари атрофида гирдикапалак бўлиб қолишади, соясига кўрпача соладилар кўрганда узоқдан етти букилиб салом берадилар.

Кунларнинг бирида Муродхўжаевнинг яқин танишларидан бўлмиш А. В. Корнев унинг уйига келади.

—Сиз шу бўлимга жуда ярашиб тушдингиз-да, Муҳиддин Валиевич, — дейди у,— қувончли хабар келтирган кишидек кифтига қўл ташлаб, — бир ажойиб маслаҳат бор, агар амалга оширсак...

Муҳиддин Валиевич янги хабарни ошиқиб кутарди. Корнев иягини муштига тираб гап бошлайди:

— Ука, мен сенга айтсам, бажариб турган вазифанг ўзингга, энди анаву ишинг бор-ку, ҳа, ўша, машина бериш сенинг қўлингда, шуни даймн? Ҳа, балли, айни давлат орттирадиган пайтинг, фойдаланиб қол... Енгил машина қидирганларнинг сон-саноғи йўқ. Қурук миннатдорчиликдан сенга не фойда. Бошламасига Горбенко деган бир оғаинимга, ҳа уни ўзинг яхши танийсан, ўшанга «Урал—63» мотоциклидэн бирини тўғрила. Қуруқ бўлмайди.

Кўп ўтмай Октябрь районидаги «Реммебель» маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг дурадгори Николай Иванович Горбенко мотоциклли бўлиб олади. Корнев Муродхўжаевга 500 сўм қистиради.

—Бу ҳамир учидан патир,— дейди у айёрона кўз қисиб. — Пул бўлса чангалда шўрва, мабодо тақиринг чиқиб қолса ҳам...

«Дўстия»нинг «қимматли» маслаҳатига учган Муродхўжаев боткоқликка чуқурроқ ботаверади. Эртаси куни Мели Абдураҳмонов деган таниши уйига келади. У ўртоғига битта «Урал—63» маркали мотоцикл тўғрилаб беришни ва бунинг эвазига минг сўм тўлашни айтади. Кўп ўтмай яна бир мотоцикл район фондидан четга оширилади. Шу куниёқ минг сўлкавой Муҳиддинвой чўнтагига келиб тушади.

— Ҳа, айтгандай, «Запорожец», «Москвич»ларга жазмон харидорлар топиб қўйдим. — дейди лабини ялаб Абдуқодиров, — қар бирига икки минг сўмдан санаб оларавераснз...

Бу хабарни эшитган Муродхўжаевнинг кўзлари ярқираб кетади. «Раҳмат, дўстим» деб юборганини билмай қолади. Шундай қилиб, Муҳиддин мазахўракка ўрганади. Бе билисини пуллар уни маишатга судрайди. Ахлоқий ва маънавий жиҳатдан бузади. Унинг нафси тобора ҳаккалак отиб, янада кўплаб порапар олиш йўлларини ўйлайди. Энди у районга келган бирон машинани ҳам навбатда турган механизаторларга бердирмайди.

Машина олиш учун навбатда турган «Автодормехбаза»нинг ҳайдовчиси Фатхулла Раҳмэтуллаев билан учрашади. Унга «Москвич—412» маркали машина беришни, бунинг эвазига мотоцикл ва «Запорожец», «Москвич» енгил машиналарига жазмонлар топишни шарт қилиб қўяди. Раҳматуллаев унинг бу шартини ерда қолдирмай бажаради.

— «Урал—63» мотоцикли учун минг сўм, енгил машиналарнинг ҳар бири учун икки минг сўмдан олиб берасан, шундан ортиқ ундирсанг, ўзингники, уқдингми?

Сири фош бўлишига келганда дўст деб саналган юқоридаги шахслар тўнларини тескари кийиб олишади. Баъзилари берган пораларини қайтариб беришни талаб қилишади, ҳатто калтаклашади.

Кези келганда шуни ҳам айтайлик, юқорида баён этилган жиноятчиларнинг сирлари қарийб уч йилгача фош бўлмади. Ваҳоланки, Муҳиддин Муродхўжаевнинг биринчи ножўя қадами ҳақида «Тез ёрдам» станциясининг врачи И. К. Жулев тегишли ташкилотларга маълумот берган эди, лекин нима учундир оқибатсиз қолиб кетди.

Ишнинг миси чиқиб қолди. Ниҳоят шаҳар прокуратурасининг бош терговчилари Миробид Абдуқодиров ва Ҳамиддула Тожиев ўртоқлар бу жиноий иш билан жиддий шуғулланишди, уларнинг кирдикорларини тог-томири билан очиб ташлашди. Натижада 20 нафар жиноят чиларнинг афтангори фош этилди. Пораҳўр Муродхўжаев, ўртада турган дастёрлар, пора бериб машина сотиб олганларнинг ҳаммаси ҳибсга олинди ва бош жиноятчи Муродхўжаев ўн йил, қолганларининг ҳар бири бир йилдан то етти йилгача бўлган муддатларда қамоқ жазоларига ҳукм этилиб, сотиб олган машиналари мусодара қилинди.

Жиноят фош этилди. Улар тегишли жазоларини олишди. Шу жирканчли ишга қўл урган фарзанд бу иши билан ота-онасининг юзини қанчалик ерга қаратганлигини билармикин?! Бу, масаланинг бир томони. Хўш, ота-оналарчи? Улар фарзандлари пул ғирдобига ўралиб йиқилгунча томошабин бўлиб турашвердиларми? Бу ундан ҳам ажабланарли эмасми?! Ҳа, нопок, нолойиқ фарзандлар чақир тиканакни эслатади, шундай эмасми?

Малик ИБРОҲИМОВ.

ФЕЛЬЕТОН

ДАСТЛАБКИ МАРКАЛАР

Почта маркаси биринчи марта Англияда, 1840 йилда генерал почтамейстер Ролланд Хилл томонидан кашф этилган.

Биринчи почта эса, қадимги Мисрда пайдо бўлиб, фақат фиръавн учун хизмат қилган.

1856 йилда чиқарилган Британия Гвианасининг уч мачтали елканининг расми чизилган бир центли маркаси, энг қимматбаҳо марка ҳисобланган. Бу марка дунёда ягона нусхадир. Биринчи рус маркаси 1858 йилда чиққан.

— Буёғини менга қўйиб беравер, қойиллатаман, сих ҳам, кабоб ҳам қуймайди, — тиржаяди у.

Дастёрлар, воситачилар кўпайиб кетади. Палон одам енгил машина сотиб олмоқчи экан, деган хабар қулоғига чалиндими, бас! У дарҳол ўша одамни топиб, шартларини айтади. Шу йўл билан биргина Раҳматуллаевнинг ўзи Мақсудов, Шоусмонов, Бабичев, Редько, Данелян, Рустамов каби ўнга яқин шахсни топиб, Муродхўжаев орқали енгил машиналар олиб беради. Шартга кўра ҳар бир машина учун Муҳиддиннинг ҳамёнига икки минг сўмдан пул кўртдек бўлиб тушаверади. Айни пайтда енгил машина олганлардан Ленин район Райпищеторгига қарашли 10-магазин сотувчиси Ўткир Мақсудов, шу райондаги 10—магазин мудири Маҳмуд Шоусмонов, Владимир Петрович Редько каби шахслар Муродхўжаев билан алоқа боғлаб жиноий ишнинг ривожланишида бевосита ёрдам кўрсатишади. Бу шахслар ҳам енгил автомашина олувчиларни топиб, Муродхўжаев чўнтагини пулга тўлдиришади.

Муҳиддин Муродхўжаев пулни қаерга қўйишини билмай қолади. Бозар-тусари ўзгаради, нафс балосига мубтало бўлган бу шахс нопок йўл билан топилган пулга ўзига «Москвич—412» машинани укасининг номига расмийлаштириб олади. Бунга ҳам қаноат қилмай юқорида номи зикр этилган Мели Абдураҳмонов билан тил бириктириб, Калинин районидаги 40—мактаб ўқитувчиси Р. Муҳаммаджонов номига «Запорожец» автомашинасини расмийлаштиради ва уни катта пулга сотиш учун А. Нурмуҳамедов деган кишининг уйига қантариб қўяди. Шундай қилиб қисқа вақт ичида бу нопок шахс район меҳнаткашлари учун келган 20 дан ортиқ янги енгил машиналарни ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқи бўлмаган кишиларга пора олиш билан сохта ҳужжатлар тайёрлаб, район раҳбарларининг имзосини ясаб сотиб юборади. Лекин у эгри ишнинг қирқ йилдан кейин ҳам қийиғи чиқишини унутиб қўйган экан. Бўлмаса ота-оналарини ўйлашига ҳам қарамай, беш бармоғини оғзига тиқиб жиноятга қадил қадам ташлайверармиди?!

Сири фош бўлишига келганда дўст деб саналган юқоридаги шахслар тўнларини тескари кийиб олишади. Баъзилари берган пораларини қайтариб беришни талаб қилишади, ҳатто калтаклашади.

Кези келганда шуни ҳам айтайлик, юқорида баён этилган жиноятчиларнинг сирлари қарийб уч йилгача фош бўлмади. Ваҳоланки, Муҳиддин Муродхўжаевнинг биринчи ножўя қадами ҳақида «Тез ёрдам» станциясининг врачи И. К. Жулев тегишли ташкилотларга маълумот берган эди, лекин нима учундир оқибатсиз қолиб кетди.

Ишнинг миси чиқиб қолди. Ниҳоят шаҳар прокуратурасининг бош терговчилари Миробид Абдуқодиров ва Ҳамиддула Тожиев ўртоқлар бу жиноий иш билан жиддий шуғулланишди, уларнинг кирдикорларини тог-томири билан очиб ташлашди. Натижада 20 нафар жиноят чиларнинг афтангори фош этилди. Пораҳўр Муродхўжаев, ўртада турган дастёрлар, пора бериб машина сотиб олганларнинг ҳаммаси ҳибсга олинди ва бош жиноятчи Муродхўжаев ўн йил, қолганларининг ҳар бири бир йилдан то етти йилгача бўлган муддатларда қамоқ жазоларига ҳукм этилиб, сотиб олган машиналари мусодара қилинди.

Жиноят фош этилди. Улар тегишли жазоларини олишди. Шу жирканчли ишга қўл урган фарзанд бу иши билан ота-онасининг юзини қанчалик ерга қаратганлигини билармикин?! Бу, масаланинг бир томони. Хўш, ота-оналарчи? Улар фарзандлари пул ғирдобига ўралиб йиқилгунча томошабин бўлиб турашвердиларми? Бу ундан ҳам ажабланарли эмасми?! Ҳа, нопок, нолойиқ фарзандлар чақир тиканакни эслатади, шундай эмасми?

Малик ИБРОҲИМОВ.

ҲАР ТЎҒРИДА

АРАБ РАҚАМИ РОССИЯДА

Араб рақамларини Россияда биринчи бўлиб ёйган киши—математик Андрей Ферварсен бўлган. Уни Пётр I Англиядан чақиртириб, Россияда биринчи денгиз билим юрти ташкил этиш планини ишлаб чиқишни топширган эди.

Бу билим юрти москвада 1699 йилда очилди. Андрей Ферварсен эса, бу ерда математика ўқитувчиси бўлиб ишларди.

Редактор ўринбосари Р. УМАРОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 01736. ИНДЕКС 64697. Б. 1819.

ТВ

19 АВГУСТ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

9.25 — Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 9.30 — Болалар учун. «Пионерлар гулхани атрофида», 10.00 — Рангли телевидение. «Кор тегирмон» (болалар учун мультфильм), 10.20 — Телевизион миниатюралар театри (ўзбек тилида).

11.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.40 — Кўрсатувлар программаси, 18.45 — Болалар учун. «Феффининг саргузаштлари» (кўп серияли кўғирчоқ фильмнинг 10-сериями, ўзбек тилида), 19.10 — «Ахборот» информацион программаси, (рус тилида), 19.30 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «ПАХТАКОР» (Тошкент) — «МЕТАЛЛИСТ» (Харьков).

Ўзбек тилида: 21.15 — «Ахборот» информацион программаси, 21.25 — Гулшод ОТАБОЕВА куйлайди, 22.30 — «Туямўйиннинг беш куни». Тўртинчи кўрсатув. «Ҳамма нарсани надрлар ҳал қилади» (рус тилида), 22.55 — «Кочиш» (бадиий фильмнинг 1 серияси, ўзбек тилида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

10.00 — «Сеҳрли ҳаёт» (бадиий фильм, ўзбек тилида), 11.15 — «Минг бир юз неча» (ҳужжатли фильм).

18.40 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Рус тилида: 22.00 — «Ахолига — граждан мудофааси ҳақида» (бугун ҳамма билиши керак), 22.15 — «Классик симфония» (фильм-концерт).

22.30 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — Душанба кўрсатади.

20 АВГУСТ

СССР ҲАВО ФЛОТИ КУНИ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

10.00 — Кўрсатувлар программаси, 10.05 — Болалар учун. «Феффининг саргузаштлари» (кўп серияли кўғирчоқ фильмнинг 11-12 сериялари, ўзбек тилида).

11.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.45 — Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 17.50 — «Ахборот» информацион программаси, 18.00 —Бугун—СССР Ҳаво Флоти куни, 18.25 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Меҳнат семестри—72» (ўзбек тилида).

Ўзбек тилида: 19.30 — Ғозачилар — пахтакорларга, 19.50 — «Ахборот» информацион программаси, 20.10 — Телевизион миниатюралар театри (тажрибий кўрсатув), 20.50 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун. «Олтин водий» программаси, 22.30 — «Туямўйиннинг беш куни». Бешинчи кўрсатув. «Дўстлик денгизи» (рус тилида), 22.55 — «Кочиш» (бадиий фильм, 2-серия, ўзбек тилида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

10.00 — «Чавандозлар» (бадиий фильмнинг 1-2 сериялари, рус тилида).

МОСКВА КУРСАТАДИ

17.45 — Рангли телевидение. Киносоҳатчилар клуби, 18.45 — «Кўшиқ-72».

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 22.00 — Врач маслаҳати, 22.15 — Реклама.

22.30 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 дан — Фрунзе кўрсатади.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 19/VIII да Алишер Навоий.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 19/VIII да Ҳалима, 20/VIII да Хотинимнинг эри.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Сэнгам (ўзбек тилида, кундуз соат 12 ва 4 да), Массе фармасининг сири (кеч соат 8 ва 9 яримда) — НАВОИЙ номли.

Уч мушкетёр — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Садоқат — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 3, кеч 6 ва 8.45 минутда).

Гайдук Ангелнинг саргузашти — «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), «ВОСТОК» (жуфт соатларда), «ЧАЙКА» (кундуз соат 2, кеч 6 ва 9.45 минутда).

Петербург билан хайрлашув — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун), «ЧАЙКА» (кундуз соат 12, 4 ва кеч 8 да).

Аббоснинг онаси — «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «КЎКЧА» (кундуз соат 5, кеч 7 ва 8.45 минутда).

Қароқчи-қариялар — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Туман тарқалгач... — «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Қулгили қиз — «МОСКВА» (кундуз соат 12, 3, кеч 6 ва 8 да).

Уч юз спартанлик — «КЎКЧА» (кундуз соат 11 ярим, 1 ва 3 да).

ЁЗГИ БИНОДА

Гайдук Ангелнинг саргузашти — «ФЕСТИВАЛЬ».